

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги

Исмоилжон Полвонов

ТУЙҒУЛАР ПАРВОЗИ

Шеърлар

«Ҳаёт» нашриёти
Андижон
2004

84(54)6-3

XX

1031005
091

Азиз китобхон!

И. Полвонов 1960 йилдан буён вилоят, туман газеталарида ўз шеърлари билан қатнашиб келаётир. 1993 йили чиққан «Ишқ аталмиш бир туйғу» китобининг муаллифларидан бири. 2002 йили «Ён, юрагим ён» китоби нашр этилган.

Қўлингиздаги ушбу китобга муаллифнинг Ватанга муҳаббат, одобахлоқ, меҳнатсеварликка оид ҳамда ҳажвий шеърлари киритилди.

ХГ-ПИ 09-11-04 ША
12-04-04

Полвонов И. «Туйғулар парвози» (Шеърлар)

© «Ҳаёт» А. 2004.

2005
923
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M.
W

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ

Истиклол Қуёши
Нурин сочгандан буён.
Юртдошларим орзуси—
Ушалмокда беармон.

Қатагон, зулмлардан
Не жафолар чеккан халқ
Шу улуғвор Қуёшдан
Абадий чексиз хурсанд.

Эй истиклол Қуёши,
Озодлик бердинг бизга.
Доимо бўлажакмиз
Сен билан ҳамдам - бирга.

Истиклолнинг нурлари
Ғолиб қилиб инсонни,
Эзгулик йўлларида
Қойил қилди жаҳонни.

Бугун халқим қудратин
Кўраркан, қойил қолдим.
Мен ҳам улуғ истиклол-
Нуридан илҳом олдим.

ВАТАН МАДҲИ

Аҳли жаҳон маҳлиёдир Ўзбекистон жамолига,
Келса меҳмон хушрўй кўриб, офарин дер жамолига,
Тунда юлдузлар нур сочар, ҳавас қилиб хилолига
Шукроналар бўлсин, Оллох, мустақиллик замонига.

Шаҳар-қишлоқ жаннатмакон, осмонўпар тоғлари бор,
Чўллари ҳам маъданга кон, турфа, сўлим боғлари бор,
Аму ва Сир -кумуш камар, жўшиб оқар сойлари бор,
Табиати одамзотни яшартирар жойлари бор.

Бунёдкорлар ўлкаси бу, қурилмоқда кўп бинолар,
Асакада “ДЭУ” завод, корхоналар, идоралар,
Унда ишлар, эҳ-ҳа, қанча, йигитлар-у дилдоралар,
Она юртим-олтин бешик, тўлин-тўлин ойлари бор.



БУЮКДИР АЁЛ

Уйимиз фариштаси,
Оила сариштаси,
Чин муҳаббат риштаси,
Дил яйратар ишваси.

Агар аёл бўлмаса,
Уй ҳувиллар ўша кун.
Кўзлар кўчада буткул,
Мўридан чикмас тутун.

Даҳоларни яратган,
Кашфиётга қаратган,
Кўшиқ-қуйни қуйлатган,
Аёл буюқдир, аёл.

Рўзгоримиз таянчи,
Фарзандимиз суянчи,
Ҳаётимиз қўвончи,
Мурувватда бирламчи,

Кун бўйи тиним билмас,
Юмуш кўп, кўзга илмас,
Иссиқ ё совуқ демас,
Меҳнатин миннат қилмас—

Аёл доим соғ бўлсин,
Олам қувончга тўлсин.
Ўғил -қизлар ҳаётда,
Баркамол, яйраб ўссин.

КЕКСАЛИК – ДОНИШМАНДЛИК

“Чуқур дарё тинч оқар”-
Деган халқда нақл бор.
Кексалик – донишмандлик,
Бой тажриба унга ёр.
Қариялар бор уйда
Қут -барака, файз бўлур.
Оқ фотиҳа берсалар,
Иш унумли, соз бўлур.
Машаққати оз бўлур.
Нуронийлар фахримиз,
Нур ёғилар юзидан.
Ҳикмат балқир сўзидан
Пешона ажинлари-
Ҳалол меҳнат белгиси
Меҳр ила оқибат,
Қиёси йўқ севгисин
Юртбоши ушбу йилни
Мурувват йили деди.
Фамхўрлик тимсоли бу.
Рухимиз тетик энди.
Юртимиз кўрки бўлган-
Кексаларни ардоқланг.

МЕХР – МУРУВВАТ ЙИЛИ

Ватан, ҳалқим тинч бўлсин,
Яйраб кўнгиллар тўлсин,
Қуёш чарақлаб кулсин,
Меҳр – мурувват йили.

Бир-бирингизга ҳамдард
Ҳеч кимга юкмасин гард.
Мухтожларга бўлинг мард,
Меҳр – мурувват йили.

Етим, ёлғиз, ногирон,
Асло четда қолмасин.
Турмуш соя солмасин,
Меҳр – мурувват йили.

Ажрашганлар ярашсин,
Рўзғорига қарашсин,
Фарзандлари яйрашсин,
Меҳр – мурувват йили.

Ҳар соҳада юртимга
Ёғилсин қут-барақа.
Шодлик тўлсин юракка,
Меҳр – мурувват йили.

Ростгўй, саҳий одамнинг,
Иши ўнгидан келар.
Тангри бутун ризқ берар,
Меҳр – мурувват йили.

АЁЛИНГНИ ЭЪЗОЗЛА

Эркак номи улуғвор, белларда шоҳи белбоғ,
Уст-бошлар топ-тоза, ёқалар сутдек оппок.
Ҳар доим саришталик, ҳовли-жойинг кўриб бок,
Аёлингни эъозла, кадрига етгин ҳар чок.

Бозорларга назар сол, ярмидан кўпдир аёл,
Юки оғир вазнидан, рўзғор деб сураб ҳаёл.
Фарқ қолмабди эркакдан, ахир келмасин малол,
Аёлингни эъозла, оилангни қил бисёр.

Чин эркаклар бир умр турмуш дўстин эъозлар,
Хўжалигин бут қилиб, яшаш тарзини созлар.
Эркаклар бор суст, беғам, ишга баҳона излар,
Аёлингни ҳурматла, эй бепарво шоввозлар.

Аёл юмуши чексиз, ахир малол келмасми?
Бола, турмушга қараш, сигир соғиш етмасми?
Тунда уюм кир ювар, сөөлик нураб кетмасми?
Аёлингга кўмак бер, у йўлдошинг эмасми?

КАСБГА МЕҲР

Гар қайтадан туғилар бўлсам,
Ўқитувчи бўлардим яна.
Чунки бу касб қувончим–бахтим
Вужудумда қилган тантана.

Касблар кўп, йўқдир ёмони,
Инсон учун ҳар бири зарур.
Аммо устоз деган илиқ сўз,
Ҳар он қалбим этади мағрур.

Ёш ниҳолдир ўқувчим гўё,
Авайлайман, кўзлар тегмасин.
Ўн, ўн-беш йил парвариш этсам,
Сўнг кўрсатар “олтин” мевасин.

Шогирд эдим, бўлдим муаллим,
Қора кўзлар жилмаяр менга.
Виждон амри, соғ экан таним,
Чин юракдан қувонмай, нега?!



БАҲОР КЕЛАДИР

Бекарор еллардек ҳаёлим сочқин,
Эркин капалақдек учади ҳар ён.
Юрагим ҳапқирар вулқондек жўшқин,
Вужудим талпинар кенгликлар томон.
Шукрим, ҳар йили баҳор келади.

Фасллар қарвони алмашиб такрор,
Сирғалар тақади дарахт шохлари.
Кузакда сепилган экинлар яшил,
Далани безайди кўклам чоғлари.
Ҳар йили қиш кетиб, баҳор келади.

Заминдан тафт келиб, Қуёш тарар нур,
Табиат уйғонар, кўзғолар жонзот.
Дехқон-у боғбонлар дилида хузур,
Ризқ-рўз яратар буюк одамзот—
Юртимга ҳар йили баҳор келади.



ШОҲ БАЙРАМ

*Республика мустақиллигига
багишлайман.*

Шоҳ байрам келиб бугун, Ватанда тўёнадир,
Ҳар қалбда ғурур, қувонч, тарона-шодиёнадир.
Шаҳар, қишлоқ файзли, кекса-ю – ёш майдонда,
Қарнайлар садосидан юлдузлар уйғонадир.

Беҳазон боғ бизнинг юрт, гул маскани бизнинг юрт,
Фусунқордир ўзгача, оламда яғонадир.
Меҳнатдан бахт яратар толеъи баланд ҳалқим,
Ҳар ишда дадил қадам, ғайрати мардонадир.



БИЗНИНГ МАТБУОТ

Прожектор десам, йўқ,
Ёркин, ундан ҳам зиёд.
Янгилик, воқеликни
Кенг ёритар матбуот.

Барчамизга баробар
Матбуот эркинлиги.
Халқимни руҳлантирар
Қувончлар чексизлиги.

Яхшини мақтаб-мақтаб,
Иллатга ўт очади.
Кам бўлмасин, адолат—
Уруғин у сочади.

Барчамизга баробар.
Матбуот эркинлиги.
Халқимни руҳлантирар,
Қувончлар чексизлиги.



Г Ҷ З А Л

Ранг олганми лоладан, қирмиз экан яноғинг?
Хусни санамлар ичра яғонами саноғинг?
Сурма кўйган қора қош, дилимни аср этгай,
Бунча шахло кўзларинг, боқсам, хумори кетгай.

Садаф маржон тишларинг, тилло кўйиб олибсан,
Сут чайилган юзингга ҳинду ҳолни солибсан.
Узун қора сочингни товус қанот ёзибсан,
Муҳаббат оташиму, юз кизариб ёнибсан.

Билмам, ёшинг нечада, балки ўн саккиз яшар,
Атлас кўйлак эгнингда, қоматингга ярашар,
Юрганингда ҳар кимса, қай дилбар деб сўрашар,
Ман-ман деган йигитлар, суқланишиб қарашар.

Қанчалар гўзал бўлсанг, майли, аммо хуснкор,
Қалбинг пок, ақлинг теран бўлиши доим даркор,
Деймизки, мазмун тўла тотли бўлсин ҳар сўзинг,
Ҳатол меҳнат қилгину, халқингга тегсин нафинг.



КУКЛАМ СЕВИНЧЛАРИ

Оқ чойшабин йиғиб табиат,
Яшил сепин ёйди оламга.
Гул фаслига келибди навбат,
Куклам чоғи ўхшар жононга.

Қир-адирлар “зангори гилам”
Анҳор тўлиб оқар тошқин сув.
Бедазор-у, боғ-роғлар кўркам,
Оҳ, нақадар безанмиш сулув.

Боғбон ота юзида севинч,
Дарахтларга тикади кўзин.
Олма, гилос, ўрик гуллабди,
Таърифига ожиздир сўзим.

Бобо - деҳқон қувончи чексиз,
Тупроқ олиб ёзар кафтига.
Мўл ҳосилни кўзлайди сўзсиз,
Разм солар ернинг тафтига.

Кеча-кундуз далалар уйғок,
Ҳаёт кайнар, меҳнат авжида.
Чўпонлар шод, қўйлари қувнок,
Бош кўтармас ўтлоқ мавзеда.

КЎЧАТ ЭКИНГ ...

“Обод маҳалла йили”,
Ёш-у, кекса ҳар бири,
Кўркам, гўзаллик сари—
Кўчат экинг, гул экинг.

Ҳаво – соғлиқ гарови,
Озодалиқ қалови.

Давримизнинг сўрови:
Кўчат экинг, гул экинг.

Ҳовли, кўчалар тоза—
Бўлса қандай зўр, соз-а.
Боғларда ҳордик, мазза;
Кўчат экинг, гул экинг.

Қишлоқ гулзор, боғ бўлса,
Ерлар хушбўй таратар.
Инсон кўнглин яйратар:
Кўчат экинг, гул экинг.

Эл-юрт тинч, обод экан,
Туй, байрамлар ярашар.
Таҳсин айтиб, кўрганлар—
Ҳавас билан қарашар.

Мана, баҳор ҳам келди,
Етдик экиш даврига.
Анҳор бўйи, ҳовлига –
Кўчат экинг, гул экинг.

КЎКАТЛАР

Борлиқнинг бир бўлаги,
Жонзот борки кераги.
Ҳар баҳорнинг безаги,
Она замин юраги—
Дуркун ўсган кўкатлар.

Кўкат ризқу-рўзимиз,
Боқсак, қувнар кўзимиз,
Шу яшил табиатнинг
Бир бўлаги ўзимиз,
Дармон — дори кўкатлар.

Юлдуз каби беҳисоб,
Саноғига етмаймиз,
Асло пайҳон этмаймиз,
Оғушингдан кетмаймиз,
Тансиқ таом кўкатлар.

Илк бор чиқар бойчечак,
Бегонадир зарпечак.
Бошқаси ноёб, бешак,
Майса—чўпонга тўшак
Жонга дармон кўкатлар.



МАҲАЛЛА ОДАМЛАРИ

Маҳаллам одамлари очик кўнгил, бағри кенг,
Ишда абжир, жонсарақ, ҳар бири “Фарҳод”га тенг.
Илк баҳордан қишгача шимарилган икки енг,
Эрлардан ортда қолмас қиз – аёлин девкор денг.

Бир ёғи кўз илғамас “Олтин бошоқ” бугдойзор,
Бир томонда денгиздек чайқалади пахтазор.
Олислардан кўринар “кўрғон” – тоғлар пурвиқор,
Тоза ҳаво, зилол суви, боғ-роғлари фусункор.

Тўй-маърака қилса бири, бўлинади хизмат ҳам,
Хурматин жойига қўяр, қанча меҳмон келса ҳам,
Қўл кўксида, хизмат аъло, ширинсўз тилда ҳар дам,
Қишлоқ аҳли қалби теран, бегонадир гусса-ғам,

Ўзбек - қирғиз қон-қардош, иноқликда яғона,
Тўй, ҳашарда ҳар бири иш устида парвона,
Бирови бемор бўлса, хабар олар гирёна,
Қула-анда – чатишган, мақсадлари мардона.



ЖАЖВУЛАР

БИЗ КУЛАМИЗ

Биз куламыз
Ковоғи доим солиқ,
Индамас, пихи ёрик,
Феъли тор, қилиғи совук,
Гап юкмас, юзи чарик,
Калампир-сўзи аччик
Айёрлардан куламыз.
Гап ташувчи ҳар ёна,
Одамийлик бегона,
Зарра “миш-миш” баҳона,
Соф дилга ғойибона—
“Тош” отувчи пинҳона —
Ғийбатчидан куламыз.
Ишга айтсангиз, дарҳол—
Нолиб, баён этар ҳол,
Дангасада борми ор?
Гўёки қуриган тол—
Ялқовлардан куламыз.

ХАСАДЧИ НОЛАСИ...

Қандок қилай, қонимда бор жирканч одатим,
Одамлардек пок яшашга йўқдир тоқатим.
Эл ичида адо бўлди обрў-хурматим,
Ҳасадчиман, ҳасадчиман, “машхур” ҳасадчи.

Меҳнатсевар бойлик топса, чидай олмайман,
Ҳашарга деб чақирсалар, асло бормайман.
Одамларнинг ютуғини кўра олмайман,
Ҳасадчиман, ҳасадчиман, “донгдор” ҳасадчи.

Ўзгага бахт кулиб боқса, менда йўқ уйқу,
Ёшлигимда сўнган эмиш қалбимда туйғу,
Кўнгил қора, чулғаб олган ғараз-у қайғу,
Ҳасадчиман, ҳасадчиман, “номдор” ҳасадчи.

“Аҳил-инок”, “дўстлик” сўзи менга бегона,
Эл-юрт учун хизмат қилиш буткул афсона,
Кўпчиликка кўшилолмай қолдим ягона,
Ҳасадчиман, ҳасадчиман, “писмиқ” ҳасадчи.

Ҳасадчи деб ном беришди менга халойиқ,
Феълим курсин, жамиятга “ишим” нолойиқ.
Феъл-атворим кўпчиликнинг қаҳрига лойиқ,
Ҳасадчиман, ҳасадчиман, жирканч ҳасадчи...



ИҒВОГАРНИНГ ҲИРГОЙИСИ

Қандоқ қилай, иғво дардига мубталоман,
Одат қурсин, хўл бир баломан.
Дардим оғир, сингиб кетган эмиш қонимга,
Кеча-қундуз ҳаловат йўқ, жабр жонимга.

Тўғриларни йўқдир асло кўргани кўзим,
Салом бериб ўтганларга илмоқли сўзим,
Тунда битиб отадирман иғво тошини,
Бир бегуноҳ ноҳақ зарбдан қашир бошини...

Текшир-текшир бошландими, яйрайди кўнглим,
Юмалок хат меники дейиш, биласиз, ўлим,
Ўргимчакман, тўр ясайман фақат иғводан,
Шу туфайли мен бўлган жой чиқмас ғавғодан.

“Ҳунарим” дан туғишганлар бўлди бегона,
Ёру дўстлар бутунлай ёт, қолдим ягона,
Қонун, эвоҳ, ошкор этди сиру асрорим,
Энди иғво қилмайин ҳеч-қатъий қарорим...



МАСТЛИК – ПАСТЛИК

Мастлик-пастлик дерлар чиндан,
Оз-оз ичиб кайф бұлгай.
Бу “касал”га дучор булса,
Пахлавон ҳам заиф бұлгай.

Шу зайлда кунлар ўтса,
Тан соғлигин барбод этиб,
Тубанликда бадном бўлиб,
Бир умрга майиб бұлгай.

“Оқ арок” деб ичманг зинҳор,
Оқ юзингиз қора қилгай.
Ишда асло унум бўлмас,
Оқибати адо қилгай.

Халқ олдида обрў кетиб,
Асли бедаво қилгай.
Қавм-қариндош, дўст-у - ёр
Рўзғоридан жудо қилгай.

Қиттак-қиттак дея отиб,
Кўнгил гўё “мамнун” бўлгай.
Оқибат шу: бурди кетиб,
Эл олдида маймун бўлгай...

* * * * *

Айб этмангиз, дўстларим.
Сизга эмас, сўзларим,
Баъзи юлғичга тексин,
Аччик-аччик дўқларим.
Эсдан чиқиб қопти “вой”,
Сўроққа йўқ тоқати.
Қинғир йўлда иш тутса,
Чаток бўлар “чаққон”га.
Кунда эмас, кунда-
Албат тушар “қопқон”га.

МУНДАРИЖА

| | |
|------------------------------|----|
| Истиклол Қуёши | 3 |
| Ватан мадҳи | 4 |
| Буюқдир аёл | 5 |
| Кексалик -донишмандлик | 6 |
| Меҳр-мурувват йили | 7 |
| Аёлингни эъзозла | 8 |
| Билиб қўй..... | 9 |
| Ватан қаҳрамонларига | 9 |
| Касбга меҳр | 10 |
| Баҳор келадир | 11 |
| Шоҳ байрам | 12 |
| Бизнинг матбуот | 13 |
| Гўзал | 14 |
| Кўклам севинчлари | 15 |
| Кўчат экинг... .. | 16 |
| Кўкатлар | 17 |
| Маҳаллам одамлари | 18 |
| Ҳажвиялар: | |
| Биз қуламиз | 19 |
| Хасадчи носаси | 20 |
| Ифвогарнинг ҳиргойиси | 21 |
| Мастлик-пастлик | 22 |
| «Айб этмангиз» | 22 |

Адабий-бадий нашр

Исмоилжон Полвонов

«ТУЙГУЛАР ПАРВОЗИ»

Шеърлар

| | |
|-----------------------|-----------------------------|
| Мухаррир: | Пўлат Абдулла |
| Мусахҳиҳ: | Мадина Усмон |
| Тех. муҳаррир: | Маннобжон Мирхалилов |
| Мусаввир: | Отабек Мамадалиев |

Босмахонага 12.04.2004 йилда берилди.
Босишга 30.04.2004 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 32/1 ҳажми 0,75 б/т.
Буюртма 377 № 650 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Қўргантепа туман босмахонасида босилди.